Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 57—58 (2594—2595)
1993 ЙИЛ 23 ИЮЛЬ
ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## Фарғонадаги кенгаш

Фарғона вилояти ҳокимлигида вилоят ИИБ бўлимлари ва бўлинмалари раҳбарларининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Имомали Мирсоатов амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти Зокир Алматович Алматов сўзга чиқди. У вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг бундан кейинги вазифаларини аниқлаб берди ҳамда улар яқин вақт ичида ҳал қилиши керак бўлган ишларни таъкидлаб ўтди.

**С. ҚОРАБОЕВ, милиция лейтенанти.**

## Ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда

ИККАЛА томон учун фойдали бўлган амалий учрашувда Чирчиқ саноат корхоналарининг раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилояти ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг бошлиқлари иштирок этдилар. Бу учрашув республика ИИВ Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Чирчиқда ўтказилди.

Унда вилоят ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари ҳақида ахборот берилди, ўзаро фойдали ҳамкорликни ташкил этиш, ҳукм қилинганларни меҳнат билан банд этиш муаммоларини ҳал этиш тўғрисида сўз борди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Абдувосиқов учрашувни очаркан, вилоятдаги бундай муассасаларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари катталиги, улардан тўлиқ даражада фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида, мисол учун, кон-шахта ускуналари, сув чиқарувчи насос ва парраклар, фильтрлар ва бошқа зарур жиҳозлар тайёрланмоқда. Меҳмонлар соатига 2 минг дона хом ғишт тайёрлайдиган линия билан ҳам танишдилар. Бу муассасаларнинг заводлари жами юздан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу халқ хўжалигида зарур бўлган маҳсулотлар, кенг халқ истеъмол моллари ҳамдир.

— Заводларимиз тўла қувват билан ишлашини хоҳлар эдик, — деди Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Э. Икромов. — Бунинг учун вилоят саноат корхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз зарур, бу ҳол, пировард натижада, республикада иқтисодий вазиятни нормаллаштиришга имкон яратади.

Бундай учрашувларни Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

**С. НОРМУҲАМЕДОВ, "Вақт" газетаси муҳаррири, ички хизмат подполковниги.**







Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
**Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.**

*"ҚОРАДОРИ-93"*

## АМАЛИЙ ЧОРАЛАР НАТИЖАСИ

ОҲАНГАРОН тумани ИИБ катта участка вакили милиция майори Қ. Ҳожиев "Янги ҳаёт" совхози ишчилари билан шу куннинг энг долзарб масаласи — наркотик экин пайкаллари хусусида суҳбатлашиш учун алоҳида вақт ажратди.

Қўшал ака вақтни зое кетказишга ўрганмаган. Совхоз маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари К. Ражаматов, штатсиз ходим Б. Маҳкамов билан бирга ҳовлиларни текшира бошлади.

Тўрт кун ичида майор Ҳожиев афюн экилган 10 га яқин пайкални аниқлашга муваффақ бўлди. Улар пайкалларида онгли равишда парвариш қилаётганлигига ишонч ҳосил қилди.

Ҳовлисида 10 та бута топилган Виктор Р. ни олиб кўрайлик. Ҳосил бўлиқ бўлган экан. Ҳар бир тупда камида 76-78 бошдан кўкнори борлиги санаб чиқилди.

Экинлар эгасининг важи одатдагидек эди: уруғлар уйда ётган, у ташлаб юбормоқчи бўлган, лекин хотини рухсат сўрамасдан экиб қўйган.

Кўкнор бошчаларининг кесилгани хусусида Викторнинг важлари бундан ҳам кулгили эди. Бунга шумтака ўғилчалари айбдор эмиш. Лекин бундай важларга энди иш бошлаган милиция ходимларигина ишониши мумкин. Виктор Р.нинг иши тергов идораларига ўтказилди, ана шу факт бўйича жиноий иш қўзғатилди. Экинлар йўқ қилинди.

Хўжалик дурадгори Мажид Х. ҳам бир-икки кундан сўнг кўкноридан ўз ҳосилини йиғиб олиши тайин эди. Ҳожиев томонидан 180 туп афюн йўқ қилинди. Экспертларнинг айтишича, Мажид бу "ҳосил"дан камида бир миллион сўм даромад олиши мумкин экан.

Катта участка вакили ана шу кўкноризор эгасидан ҳам нима учун қонунни бузганлигининг сабабини билишга қизиқди.

Жавоб оддийгина бўлди. Тандирдан нон ёпилганда седана ўрнида ишлатиш учун кўкнори экилган экан.

Нафақадор Амина М. ва ҳеч қаерда ишламайдиган Николай К. ҳам кўкнори доналарини ғамлаш хаёлида эканлар.

Қўшал аканинг "Қорадори" операциясидаги иштироки кўкнор экилган пайкалларни аниқлаш билангина чекланмади.

Биринчи куниёқ у ёрдамчилари билан 20 туп нашани топди. Уни ёввойи деб бўлмайди, чунки улар соғлиғи ёмонлиги учун ишламайдиган Воҳид Ғ.нинг полизида ўсмоқда эди.

Воҳид очиқдан-очиқ уларни парваришлаётганига иқрор бўлди. Унинг касалида яхши ёрдам берадиган дори олиш учун нашадан фойдаланмоқчи экан.

Лекин бу борада Қўшал Тоҳировичнинг фикри бошқача эди.
— Сенга наша эмас, ўз ишини яхши биладиган нарколог керак.

Одамда наша далаларда ариқ ёқалаб ўсади. Ана шу афюнзорларнинг аниқланиши Ҳожиевни хўжалик 18 бригадирининг ҳаммасини тўплашга ва нашалар йўқ қилинмайдиган бўлса улар маъмурий жавобгарликка тортилиши хусусида огоҳлантиришга мажбур этди.

"Янги ҳаёт" давлат хўжалигида Ҳожиев томонидан ўтказилган "Қорадори" операциясининг дастлабки натижалари айрим кишилар пул кетидан қувиб, ўз виждонига хилоф иш қилишга, қонунни бузиш йўлига онгли равишда ўтишга тайёр эканлигини кўрсатди. Лекин улар ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррар эканлигини унутган эдилар.

**Ш. АҲМЕДОВ, милиция подполковниги.**

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### ХОНАДОНДАГИ АВТОМАТ

САРИОСИЁ ТУМАНИ ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбир давомида 1971 йилда туғилган Н. П. нинг хонадонидан рақамлари ўчирилган, ўқсиз бир дона АКМС автоматини топиб олишди. Автомат бу хонадонга қачон, қандай йўл билан олиб келингани терговда аниқланади.

### ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

ПОП ТУМАНИДА 1959 йилда туғилган М. Р. бекорчиликдан зерикиб тўйганича спиртли ичимлик ичади. Сўнг уйидан "ТОЗ-8" қирқма милтиғини кўтариб чиқиб, қўни-қўшниларга ўқталиб, ҳамла қила бошлайди. Аммо бу узоқ давом этмади. Қўшниларнинг маълумотига кўра, бир зумда етиб келган осойишталик посбонлари безорини қуролсизлантириб, танобини тортиб қўйишди, энди у ашаддий безорилиги учун қонун олдида жавоб беради.

### МАШИНАДАГИ ҚУРОЛЛАР

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ Сўх-Риштон йўлидаги Малбут постида ҳушёр турган осойишталик посбонлари 1959 йилда туғилган М. Г. га тегишли ВАЗ 2101 белгили автомашинани тўхтатиб, кўздан кечиришганда иккита милтиқ ва уларнинг 39 та ўқини топиб олдилар. Қурол билан боғлиқ маълумотлар аниқланмоқда.

### КАБЕЛДАН ЎТ ЧИҚДИ

НИШОН ТУМАНИДАГИ "Нуристон" пахта қабул қилиш пунктида электр кабелидан қисқа туташув натижасида ёнғин чиқди ва пунктда сақланаётган 4 ярим тонна тўртинчи нав пахта ёниб кетди. Етказилган моддий зарар миқдори аниқланмоқда.

### ПОРАХЎР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

ҚЎҚОН ШАҲРИДА 1954 йилда туғилган Н. А. шаҳар умумий овқатланиш корхонаси ходими К. З. га уй олиб беришни ваъда қилиб, эвазига 50 минг сўм пора сўради. К. З. айтилган миқдордаги пулни олиб борди. Н. А. пулларни қуртдай қилиб санаб олди-ю, тумшуғидан илинди. Энди у порахўрлиги учун одил суд олдида жавоб беради.

### ҚАЛЛОБЛАР ТУШОВЛАНДИ

ЧЕЛАК ТУМАНИДАГИ Азимов номли жамоа хўжалигида яшовчи М. Х. Самарқанд вилояти ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Унда икки номаълум шахс дўқ-пўписа билан икки миллион 400 минг сўм пул топиб беришини талаб қилаётгани айтилганди.

Қўрилган тезкор чора-тадбир натижасида қаллоблар қўлга олинди. Улар самарқандлик муқаддам судланган М. А. ҳамда 1950 йилда туғилган В. Н. бўлиб чиқди. Тергов ҳаракатлари якунлангач, улар билан газетхонларни яқиндан таништирамиз.

### БЕЗОРИ УШЛАНДИ

АСАКА ШАҲРИДАГИ корхона директори М. П.нинг ҳузурига шу корхона ишчиси, 1969 йилда туғилган Б.М. маст ҳолда бостириб киради ва пичоқ ўқталиб, ундан пул талаб қилади. Талаби бажарилмагач, хонадаги телефон симларини қирқиб, директорнинг қорнини пичоқ билан тилиб ташлайди. Жиноятчи ушланди. Унинг ёнидан 10 грамм миқдорда наша топилди.

### СУМКАДАГИ ЖАНГОВАР ҚУРОЛ

Самарқанд автовокзалида шахсини аниқлаш мақсадида ушланган М. Е. нинг сумкаси кўздан кечирилганда 1974 йилда ишлаб чиқарилган битта АКС-74 автомати, икки ўқдон, 99 дона жанговар ўқ топилди. Тергов олиб борилаётир.

### ҚОТИЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

ҚЎҚОН ШАҲАР такси саройи ҳайдовчиси, 1966 йилда туғилган И. А.ни номаълум шахслар ўлдириб кетгани ҳақидаги машъум хабар ИИБ тезкор ходимларини оёққа турғазди. Кўп ўтмай уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қотиллар аниқланиб, қўлга олинди.

### БОСҚИНЧИ ҲИБСДА

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ИИБга қарашли махсус маҳкамада ҳисобда турган, шартли равишда судланган, 1968 йилда туғилган М. Н. маст ҳолда 2-касалхона ҳамшираси Т. Х.нинг хонадонига кириб, ундан дўқ-пўписа билан 800 сўм пулини тортиб олиб жуфтакни ростлайди. ИИБ ходимлари суриштирув ишларини тўғри ташкил этганлари туфайли босқинчи аниқланиб, ҳисобга олинди.

**М. ТИЛЛАЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО КОДЕКСИ

**66-модда. Ҳаво кемасининг ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувчи органлар билан радиоалоқаси**

Алоқа воситаларига эга бўлган ҳар бир ҳаво кемасига шартли радиочақириқ сигнали берилади.

Назорат қилинадиган самовий ҳудудда парвоз этаётган ҳаво кемаси билан шу парвозга диспетчерлик хизмати кўрсатаётган орган ўртасида мунтазам радиоалоқа бўлмоғи лозим. Алоқа узилиб қолган тақдирда ҳаво кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатаётган органлар алоқани тиклаш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар кўрилган чоралар натижасида радиоалоқани тиклаб бўлмаса, ҳаво кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатаётган органлар Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилиш Қоидаларига биноан ҳаракат қилишлари лозим.

Назорат қилинмайдиган самовий ҳудудда бўлган ҳаво кемаларининг экипажлари бир-бирларига ахборот бериб туришлари, фавқулодда ҳолатлар рўй берган тақдирда эса ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатувчи энг яқин органга авария каналлари орқали ахборот беришлари лозим.

**67-модда. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилиш**

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози фақатгина ҳаво кемасида носозлик рўй берганда уни аҳоли манзилгоҳларидан ташқарида ёки энг яқин аэродромда қўндириш имконини берадиган баландликда амалга оширилиши мумкин. Учиш-қўниш йўлкасининг жойлашуви ҳаво кемасига аҳоли манзилгоҳи устидан учиб ўтмай ҳавога кўтарилиш ёки қўниш имкониятини бермаса, шунингдек инсонлар ҳаётини қутқариш мақсадида парвоз қилишга тўғри келса ёки бошқа алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан юқоридаги қоидалардан четга чиқишга рухсат этилади.

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги кўргазмали учишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан амалга оширилиши мумкин.

**68-модда. Товушдан тез учувчи ҳаво кемалари парвозларини чеклаш**

Товушдан тез учувчи ҳаво кемаларининг парвози мазкур парвозлар атроф муҳитга зарар етказмайдиган баландликда ва районларда амалга оширилишига йўл қўйилади. Товушдан тез учувчи ҳаво кемалари парвозининг минимал баландлиги ҳар бир алоҳида олинган район учун Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда кўрсатилган тартибда белгиланади.

**69-модда. Ҳаво кемаси экипажининг хатти-ҳаракатига аралашмаслик**

Ҳаво кемаси ичидаги шахсларга, шу жумладан ҳаво кемасига эгалик қилувчи шахсларга ҳам, ҳаво кемаси экипажининг хатти-ҳаракатига аралашиш, жумладан экипаждан парвоз тартиби ва режасини ўзгартиришни ёхуд ҳаво транспортига хизмат кўрсатувчи органнинг кўрсатмаларига риоя қилмасликни талаб қилиш ман этилади.

**70-модда. Ҳаво кемасининг белгиланган ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўли, парвоз йўналиши ёки теграсидан четга чиққанида кўриладиган чора-тадбирлар.**

Ҳаво кемаси белгиланган ҳаво трассаси, маҳаллий ҳаво йўли, парвоз йўналиши ёки теграсидан четга чиққанида ёхуд парвознинг бошқа параметрларига риоя этмаганида ҳаво кемасининг командири ва ҳаво транспорти қатновини таъминловчи орган бундай хатоларни тузатиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўриши шарт.

**71-модда. Ҳаво кемаси ҳалокатга учраганда кема экипажининг вазифалари**

Ҳаво кемаси ёки унинг ичидаги одамлар учун бевосита хатар туғилса ёхуд кема билан радиоалоқа узилиб, унинг қаердалиги номаълум бўлса, бундай ҳаво кемаси ҳалокатга учраётган ҳисобланади.

Учиш, қўниш ёки қулаш натижасида жиддий зарар кўрган ёхуд бутунлай вайрон бўлган, шунингдек аэродромдан ташқарига мажбуран қўнган ҳаво кемаси ҳалокатга учраган ҳисобланади.

Ҳалокатга учраётган ҳаво кемасининг экипажи Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилиш Қоидаларида белгиланган тартибда фалокат сигналини бериши, ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органга ҳалокат хусусияти ҳақида маълумот бериши ва кема ичидаги одамларнинг ҳаётини, соғлиғи ва мол-мулкини, шунингдек ҳаво кемасининг ўзини сақлаб қолиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг экипажи ўз ваколатини тегишли органларга топширгунга қадар, ҳаво кемаси ичидаги одамларни, мол-мулкини ҳамда ҳаво кемасини қутқариш ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт. Ушбу ҳаво кемаси экипажининг барча аъзолари ва имкон қадар йўловчилари, одамларни, мол-мулкини ҳамда ҳаво кемасини қутқаришда иштирок этишлари шарт.

Ҳалокатга учраётган ёки ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг командири ўз ваколатини тегишли органларга топширгунига қадар, мазкур кемадаги ёки кеманинг ичида бўлган одамларнинг хатти-ҳаракатларига бошчилик қилади.

**72-модда. Хавф остида қолган одамларга ёрдам бериш**

Хавф остида қолган одамлар ҳақида ҳар қандай маълумот олган ҳаво кемасининг командири бу ҳақда ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органга ёхуд бошқа ваколатли органга хабар бермоғи ва агар мазкур кема парвози, йўловчилар ва экипаж ҳаёти учун хатар туғилмаса, уларга зарур ёрдам кўрсатмоғи шарт.

**73-модда. Ҳаво транспорти қатновини таъминловчи органнинг ҳалокат рўй бергандаги вазифалари**

Ҳаво транспорти қатновини таъминловчи орган ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаси тўғрисида, шунингдек ҳаво кемаси командиридан хавф остида қолган одамлар ҳақида ҳар қандай бошқа маълумот олганида Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилиш Қоидаларида белгиланган тартибда зарур ёрдам кўрсатиш учун барча чораларни кўриши шарт.

## IX БОБ. ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР

**74-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари**

Ушбу Кодексда халқаро парвоз деб ҳаво кемасининг хорижий давлатнинг чегарасини кесиб ўтадиган парвози тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

б) тегишли хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан якка парвоз учун бериладиган махсус рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемалари мазкур ҳаво кемаларини тасарруф этувчи ёки уларнинг эгалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ташкилотлар ва фуқаролар рухсати билан якка халқаро парвозларни амалга ошириши мумкин. Хорижий давлат самовий ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемасининг парвозига махсус рухсатнома олиш учун сўровномани Авиация маъмурияти, давлат ва экспериментал ҳаво кемасининг парвози учун эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юборади. Бундай сўровномалар кема ҳужжатларига, экипаж тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли барча талабларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва парвоз режалаштирилган хорижий давлат ҳудудида амал қиладиган бошқа талаб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолдагина амалга оширилди.

Уқтириб ўтилган парвозлар учун сўровнома юбориш ва рухсатнома олиш тартибини белгиловчи қоидалар Авиация маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан биргаликда тасдиқланади.

**75-модда. Хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидаги парвози**

Хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидаги парвозлари:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

б) парвоз учун махсус рухсатномалар асосида ва уларнинг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур рухсатномаларни:

Фуқаро ҳаво кемаларининг якка парвози учун — Авиация маъмурияти;

фуқаро ҳаво кемаларидан бошқа кемаларнинг якка парвози учун — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига халқаро парвозлар амалга оширилишидан олдин хорижий ҳаво кемаларининг эгалари (эксплуатантлари) халқаро парвозлар учун рухсатнома берадиган давлат бошқарув органларига таниш белгиларини хабар қилишлари шарт.

Якка парвозларга рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгилаб берилади.

**76-модда. Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари**

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг халқаро парвози вақтида ушбу Кодексга асосланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва парвозларни бажаришни тартибга солувчи умумий қоидаларига амал қилинади.

Миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳавога кўтарилиши, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учиб киргандан кейинги қўниши халқаро парвозлар учун очиқ аэродромларда амалга оширилади. Самовий ҳудудда халқаро парвозлар белгиланган ҳаво йўллари бўйлаб бажарилади. Ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибга махсус ажратилган халқаро ҳаво трассалари ёки ҳаво йўлкалари бўйлаб кесиб ўтадилар.

Қуйидаги ҳолларда:

а) Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ табиий офат, фалокат, авария вазияти ҳамда одамлар ҳаётига хавф туғилган бошқа шароитларда;

б) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда;

в) Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатнома олинганида юқоридаги қоидалардан истиснога йўл қўйиш мумкин.

**77-модда. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэродромлар ва ҳаво йўллари**

Ҳаво транспортида халқаро кўламда ташишга мўлжалланган, божхона, чегара ва санитария-карантин назорати таъминланадиган аэропорт халқаро аэропорт деб эътироф этилади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун аэродромлар очишга доир қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Халқаро ҳаво йўлларини очиш ҳақидаги қарор Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун ҳаво йўллари ва аэродромлари очиш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

**78-модда. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозларини бажаришлари учун қўлланиладиган паспорт, божхона қоидалари ва бошқа қоидалар.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келаётган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кетаётган ёки транзит ҳаво кемаларининг барчасига, уларнинг экипажлари ва йўловчиларига, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётган ёки бу ҳудуддан олиб чиқаётган мол-мулкларга Ўзбекистон Республикасининг четга чиқиш ва четдан келиш ҳамда мол-мулк олиб кириш (олиб кетиш) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транзит ҳаракати тўғрисидаги қонунларида белгиланган паспорт, божхона, валюта, санитария ва карантин қоидалари ва бошқа қоидалар татбиқ этилади.

## X БОБ. ҚИДИРУВ ВА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ

**79-модда. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари йўловчилари ва экипажини қутқариш**

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемасини қидирув ва қутқарув ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тегишли ишларни бажариш қоидаларига мувофиқ зудлик билан амалга оширилиши лозим. Бу қоидаларда:

а) барча давлатлар ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишлари, қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларини жойлаштириш, уларга юқоридаги ишларни бажаришда текин таъминот ва хизмат кўрсатилиши;

б) ҳаво кемасини, унинг йўловчиларини ва экипажини ҳалокат жойидан эвакуация қилиш, ҳалокатга учраган ҳаво кемаси эксплуатантининг кучи ва воситалари билан ёхуд эксплуатант ҳисобидан ўзга куч ва воситалар билан амалга оширилиши;

в) маҳаллий маъмурият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳаво кемасини қидирув ва қутқарув ишларини амалга оширишда барча зарур ёрдамни кўрсатишга ва қидирув-қутқарув органлари етиб келгунига қадар одамларни қутқариш, уларга тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек ҳаво кемасини ва унинг ичидаги ҳужжатлар, асбоб-ускуналар ва мол-мулкларни сақлаш учун чоралар кўришлари шартлиги назарда тутилиши лозим.

**80-модда. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишларини ташкил қилиш**

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишларини Ўзбекистон Республикасининг Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати амалга оширади. Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ ишлайди.

Авиация қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш ва бажаришда Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кучлари ҳамда воситаларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирликлар ва идоралар, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати органларининг талабига мувофиқ уларга қидирув-қутқарув ишлари учун тайёр турган қутқарув кучлари ва воситаларини тезда ажратиб беришлари шарт.

Республика Президентининг қарорига мувофиқ давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар юқоридаги каби куч ва воситаларни ажратишлари шарт, кейинчалик бу харажатлар Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобидан қопланади.

Қидирув-қутқарув кучлари ва воситаларининг таркиби, техника ва анжомлари рўйхати, қидирув-қутқарув ишларини бошқариш ва бажариш тартиби, тегишли мансабдор шахсларнинг вазифалари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати тасдиқлаган қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш қоидаларида белгилаб берилади.

Ҳаво кемаларини, уларнинг йўловчилари ва экипажини қидирув-қутқарув ишларини таъминлаш мақсадида Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати туну кун навбатчиликни йўлга қўяди.

Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ўзга давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади, шунингдек ўз фаолиятини республиканинг қидирув-қутқарув ва авария ишларини ўтказишга масъул бошқа органлари билан

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши газетанинг 55—56 сонида).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО КОДЕКСИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда мослаштиради.

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаларига керакли ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

а) ўзга давлатларнинг қидирув-қутқарув кучлари ва воситалари;

б) мазкур ҳаво кемаларининг эгалари ва эксплуатантлари;

в) ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилган давлат маъмурлари келишларига йўл қўйилиши мумкин.

Бундай келишга йўл қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланади.

**81-модда. Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақида хабар қилиш**

Алоқа воситаларига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шу воситаларни ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақидаги маълумотларни зудлик билан хабар қилиш учун фойдаланишга бериб туришлари шарт.

Алоқа воситаларини бериш, ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемасига, унинг йўловчилари ва экипажига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш ҳеч қандай навбатсиз, оддий тариф бўйича ҳақ олиб амалга оширилади. Бундай ҳодиса тўғрисидаги биринчи маълумотни хабар қилиш бепул амалга оширилади.

Ҳалокатга учраётган ёки учраган ҳаво кемалари ҳақида хабар бериш учун умумий алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан Авиация маъмурияти ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Ҳокимият маҳаллий органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзларига маълум ҳаво кемаларининг ҳалокати тўғрисида Ягона авиация қидирув-қутқарув хизматига ёки энг яқин аэродромга зудлик билан хабар беришлари шарт. Фуқаролар бундай ҳолатларда зудлик билан ҳокимият маҳаллий органларига ёки энг яқин корхона, муассаса ва ташкилотларга хабар беришлари шарт.

**82-модда. Қутқарув ишлари**

Фалокатга учраган ҳаво кемасининг йўловчилари ва экипажга ёрдам кўрсатиш бўйича қутқарув ишлари Ягона авиация қидирув-қутқарув хизматининг кучлари ва воситалари билан, шунингдек мазкур Кодекснинг 80-моддасига асосан шу хизмат томонидан бу ишга сафарбар қилинадиган вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг кучлари ҳамда воситалари билан амалга оширилди.

Агар фалокатга учраган ҳаво кемаси ёки унинг қисмлари темир йўл, автомобиль, сув транспорти ҳаракатига ёки ҳаво кемаларининг парвозига халақит берадиган бўлса, қутқарув ишлари раҳбари транспорт ҳаракатини ёки кемалар парвозини таъминлаш учун ҳаво кемасини (унинг қисмини) — унинг (уларнинг) умумий ҳолати ва жойлашувини қайд қилиб олгач — четга олиб қўйиш учун чоралар кўриши шарт.

**83-модда. Ҳаво кемасини, унинг йўловчилари ва экипажини қидирув ишларининг тўхтатилиши**

Кўрилган тадбирлар натижа бермаган тақдирда ҳалокатга учраган ҳаво кемасини қидирув ишларини тўхтатиш ҳақидаги қарор Ягона авиация қидирув-қутқарув хизмати раҳбари томонидан қабул қилинади. Бундай қарор мавжуд қидирув-қутқарув кучлари ва воситалари билан ҳаво кемасини топишда давом эттириладиган қидирув ишлари самарасиздир ва тирик қолган одамларни қутқариш учун ҳеч қандай реал умид қолмади, деб тахмин қилишга етарли асослар бўлганидагина қабул қилиниши мумкин.

Ҳалокатга учраган ҳаво кемасини қидирув ишларини тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан мазкур кема эгаси тегишли судга шикоят қилиши мумкин.

Қидирилиши тўхтатилган ҳаво кемаси бедарак йўқолган деб ҳисобланади.

**84-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қидирув ва қутқарув ишлари.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳалокатга учраётган ёки учраган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларини қидирув ва қутқарув ишлари мазкур Кодекс талаблари ҳисобга олиниб, ҳудудида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган давлатда бундай ишларни бажариш қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларига мувофиқ амалга оширилади.

### XI БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИ ПАРВОЗИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ УСТИДАН НАЗОРАТ, АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТЛАРИ ВА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ

**85-модда. Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назорат**

Авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назорат амалга оширилади.

Ҳаво кемасидан учиш мақсадларида фойдаланиш чоғида мазкур кеманинг, экипажнинг, бошқа авиация ходимларининг нормал фаолиятини бузган ҳолда ёки ташқи шароитлар натижасида рўй берган ва одамлар ҳалокатига, ҳаво кемасининг жиддий зарар кўришига, вайрон бўлишига ёки йўқолишига олиб келган ҳодиса авиация ҳалокати деб эътироф этилади.

Ҳодиса натижасида юқорида зикр этилган оқибатлар содир бўлмаган-у, лекин иш ўнгидан келмай шундай оқибатлар содир қилиниши мумкин бўлса, бундай ҳодиса бахтсиз ҳодиса деб эътироф этилади. Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлиги устидан назоратни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**86-модда. Текширишни ташкил қилиш ва ўтказиш**

Ҳар бир авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодиса албатта текширишдан ўтказилмоғи лозим.

Ҳалокатлар ёки бахтсиз ҳодисалар:

фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияда — Авиация маъмурияти комиссиялари томонидан;

давлат авиациясида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги комиссиялари томонидан текширилади.

Ҳалокат ёки бахтсиз ҳодиса давлат ва фуқаро авиацияси ёки давлат авиацияси ва экспериментал авиация манфаатларига дахлдор бўлган тақдирда текшириш Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллардан ташкил топган қўшма комиссиялар томонидан амалга оширилади. Бундай комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Текширишни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қоидалар билан белгиланади. Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодисани бундай текширишдан мақсад кимнингдир айбини ёки жавобгарлигини белгилаш эмас, балки ҳодисанинг объектив сабабларини аниқлашдан иборатдир.

**87-модда. Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар бериш**

Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодисадан хабар топган шахслар зудлик билан бу ҳақда ушбу Кодекснинг 81-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган органларга маълум қилишлари керак.

Шундан сўнг бу маълумотни авиация ҳалокатлари ёки бахтсиз ҳодисаларни текширувчи органларга етказиш тартиби мазкур текширишларни ўтказиш қоидалари билан белгиланади.

**88-модда. Ашёвий далилларни сақлаш**

Ҳаво кемаси, унинг таркибий қисмлари, кема ичидаги ва ердаги объектив назорат воситалари, ҳаво кемасидаги ҳамда ердаги авиация ҳалокатига ёки бахтсиз ҳодисага алоқадар барча предметлар, ҳаво кемасини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, ундан фойдаланиш ва унинг парвозини таъминлаш билан боғлиқ барча ҳужжатлар мазкур ҳалокатни (бахтсиз ҳодисани) текширувчи комиссия аъзолари етиб келгунга қадар ташкилотлар ва фуқаролар томонидан дахлсизликда сақланмоғи лозим, ушбу Кодекснинг 82-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш комиссияси раисининг талабига биноан зарур ашёвий далиллар ҳеч бир тўсиқсиз ушбу комиссия ихтиёрига тўлалигича берилиши лозим.

**89-модда. Авиация ҳалокати рўй берган жойдаги ишлар**

Авиация ҳалокати рўй берган жойда амалга ошириладиган текшириш табиий офатлар оқибатларини тугатиш ишларига тенглаштирилган алоҳида шароитларда бажариладиган ишлар қаторига киради.

Ҳокимият маҳаллий органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар авиация ҳалокатини текширувчи комиссияга ҳар томонлама кўмаклашишлари шарт.

Комиссия ишининг авиация ҳалокати рўй берган жойда таъминлаш тартиби ушбу Кодекснинг 86-моддасида кўрсатилган авиация ҳалокатлари ва бахтсиз ҳодисаларни текшириш қоидалари билан белгиланади.

**90-модда. Авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса) ни текшириш билан боғлиқ ишларни маблағ билан таъминлаш ва ҳаражатларни қоплаш тартиби**

Авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса) рўй берган жойда ўтказиладиган текширув билан боғлиқ барча ишларни ҳаво кемасининг эксплуатанти маблағ билан таъминлайди.

Илмий текшириш ва конструкторлик муассасалари, ташкилотлари, таъмирлов ва саноат корхоналари амалга ошираётган авиация ҳалокати (бахтсиз ҳодиса) ни текшириш билан боғлиқ тадқиқот ва синов ишлари ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан маблағ билан таъминланиб, кейинчалик бу ҳаражатлар ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан қопланади.

### XII БОБ. АВИАЦИЯ ФАОЛИЯТИГА ҒАЙРИҚОНУНИЙ АРАЛАШУВНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**91-модда. Авиацияни ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари**

Ҳаво кемалари, йўловчилар, юк ва почта қабул қилиш, жўнатиш ёки уларга хизмат кўрсатишни амалга ошираётган ҳаво кемаларининг эксплуатантлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар авиацияни ғайриқонуний аралашувдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўришлари керак.

Бундай чора-тадбирлар:

а) бегона шахслар ва транспортнинг аэродромларнинг назорат остидаги теграсига назоратсиз киришларининг олдини олиш;

б) йўловчилар томонидан қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, заҳарли, тез алангаланувчи моддалар ва ҳаво транспортида олиб юриш тақиқланган бошқа предметларнинг яширинча ҳаво кемасига олиб кирилишига йўл қўймаслик;

в) қурол ва ўқ-дориларни олиб учишда уларни ҳаво кемаларининг йўловчилардан ажратилган бўлмаларида, юк орасида ўқсиз ҳолда жойлаштиришни таъминлайдиган алоҳида чоралар кўриш;

г) ҳаво кемалари турган жойларда уларга хизмат кўрсатишга алоқаси йўқ шахсларнинг кириб олишига йўл қўймай қўриқлаш;

д) ҳаво кемаларини махсус текширувдан ўтказиш;

е) ҳаво кемаларини парвоз давомида экипажнинг хавфсиз фаолиятини таъминлайдиган, шунингдек самовий ҳудудидан берухсат фойдаланишнинг олдини оладиган техникавий воситалар билан таъминлаш;

ж) ҳаво кемалари ва объектларига нисбатан ғайриқонуний аралашувнинг олдини олиш учун махсус ишлаб чиқилган тадбирларни (усулларни) қўллашдан иборатдир.

Бундай чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тасдиқлайдигган қоидаларга мувофиқ қўлланилади.

**92-модда. Йўловчиларни, қўл юки ва багажини текшириш**

Парвознинг хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларнинг ва ҳаво кемалари экипажининг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш мақсадида аэропорт ходимлари, милиция органлари, Миллий хавфсизлик хизмати органлари, божхона муассасалари ва чегара қўшинларига, бу органларнинг ваколатли вакиллари йўқ бўлган тақдирда эса — ҳаво кемаларининг командирлари ёки уларнинг топшириғига биноан экипажнинг бошқа аъзоларига — ички йўналишларда ҳам, халқаро йўналишларда ҳам ҳаво кемалари йўловчиларини, қўл юки ва багажларни текшириш ҳуқуқи берилади. Текшириш аэропортда, шаҳар аэровокзалида ёҳуд ҳаво кемасининг ўзида бу иш учун махсус тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади. Йўловчи текширувдан бўйин товлаган тақдирда авиация хизмати кўрсатувчи ҳаво транспортида ташиш тўғрисидаги шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

Парвоздаги ҳаво кемасида шароит тақозоси билан ҳаво кемаси командирининг қарорига мувофиқ йўловчининг розилигидан қатъи назар текшириш ўтказилиши мумкин. Ушбу моддада парвоздаги ҳаво кемаси деб йўловчилар ёки юклар жойлаштирилганидан сўнг кеманинг барча ташқи эшиклари ёпилган дақиқадан бошлаб, йўловчиларни ёки юкларни тушириш учун эшиклардан исталган бири очилгунча бўлган ҳолатдаги ҳаво кемаси тушунилади.

Текшириш ўтказиш қоидалари ва текшириш ўтказишга ҳақли шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**93-модда. Жавобгарлик турлари**

Ушбу Кодекс талабларини бузганликда айбдор бўлганлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## IV БЎЛИМ. ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ВА АВИАЦИЯ ИШЛАРИ

### XIII БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**94-модда. Таъриф**

Ҳаво кемасининг жўнаши, қўниши ва назарда тутилган барча оралиқ қўниш манзиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган парвози чоғида бажарилган ташиш ишлари ички юк ва йўловчи ташиш деб ҳисобланади.

Ҳаво кемасининг парвоз давомида янги юк олган- олмаганидан ёки парвозда танаффус бўлган-бўлмаганидан қатъи назар жўнаш ва қўниш манзиллари:

а) икки давлат ҳудудида;

б) агар бошқа давлат ҳудудида оралиқ қўниш манзили (манзиллари) назарда тутилган бўлса, бир давлат ҳудудида бажариладиган парвозлари чоғидаги ташиш ишлари халқаро юк ва йўловчи ташиш деб ҳисобланади.

Авиацияда юк ва йўловчи ташиш учун гувоҳномаси бўлган ҳаво кемасининг эксплуатанти ташувчи деб эътироф этилади. Ҳавода юк ва йўловчи ташиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ҳаво кемада ташилаётган ёки ташиши лозим бўлган шахс йўловчи деб эътироф этилади.

Авиация воситаларида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар (буюртмачи) нинг технологик ёки транспорт ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш мақсадида, шу жумладан экспериментал ва илмий-тадқиқот ишларини, санитария ва табиатни қўриқлаш тадбирларини, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатиш мақсадида тижорат асосида бажариладиган махсус юмушлар авиация ишлари қаторига киради. Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгилаб қўйилади.

**95-модда. Ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишларини бажариш қоидалари**

Ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажариш истагини билдирган ҳаво кемасининг эксплуатати тегишли

(Давоми 4-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО КОДЕКСИ

(Давоми. Боши 2—3-бетларда)

фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома олиши лозим.

Ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ва буюртмачилар ўртасидаги шартномалар асосида ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бир марталик буюртмалари асосида бажарилади. Ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ва буюртмачилар ўз шерикларини танлашда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ҳокимият маҳаллий органлари ҳудудларининг экологияси ёки ҳудудларида транспорт воситалари ва одамлар ҳаракатининг алоҳида тартибидан келиб, чиқиб, авиация ишларини бажариш шартларини ва чекловларни белгилаб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Бундай шартлар ва чекловларни келишиб олиш буюртмачи зиммасига юклатилади.

Ҳаво кемаларининг эксплуатантлари Авиация маъмурияти томонидан белгиланган ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажариш қоидаларига риоя қилишлари шарт. Бунда почта ташиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан келишиб олиниши лозим.

Авиация ишларини бажараётган ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ва ташувчилари тегишли фаолиятни амалга оширишга доир ўз қоидаларини ўрнатишга ҳақлидирлар, бу қоидалар ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган талаблар даражасидан паст бўлиши мумкин эмас.

**96-модда. Рухсатномалар бериш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишларини бажариш учун рухсатномалар Авиация маъмурияти томонидан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган махсус қоидаларига мувофиқ равишда берилади. Рухсатнома берилганлиги учун юқорида қайд этилган қоидаларда назарда тутилган тартибда йиғим ундирилади. Руҳсатнома ўзга шахсга берилиши мумкин эмас.

Бутунлай ёки қисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари учун рухсатнома бериш ушбу Кодекс ҳудудида бундай фаолият юритиладиган давлат қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**97-модда. Рухсатномаларга риоя этилиши устидан назорат**

Ҳаво кемасининг эксплуатантига рухсатнома берган давлат томонидан тартибга солиб турувчи орган бу эксплуатант лицензияда белгиланган шартларга қандай риоя этаётганлигини назорат қилиб боради.

Ҳаво кемаси эксплуатанти рухсатномада белгиланган шартларга риоя қилмаган тақдирда, рухсатномани берган орган уни ушбу қоидаларга риоя қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришга ёки тартиб бузувчини Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан рухсатномани бекор қилишга қадар маъмурий жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Ҳаво кемасининг эксплуатанти давлат томонидан тартибга солиб турувчи органнинг рухсатнома беришни рад қилганлиги ёки рухсатномани бекор қилиш ҳақидаги қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## XIV БОБ. ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ

**98-модда. Ҳаво транспортида ташиш шартномаси**

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига биноан ташувчи йўловчи ва унинг қўл юкини чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бериб белгиланган манзилга элтиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи қўл юкини топширган бўлса — қўл юкини белгиланган манзилга етказиб, уни йўловчига ёки йўловчи тайинлаган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи белгиланган тариф бўйича парвоз учун, юк ташувчи белгилаган меъёрдан ортиқ қўл юки бўлган тақдирда эса — қўл юки учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳаво транспортида ташиш шартномасига кўра юк ташувчи ўзига юк жўнатувчи ишониб топширган юк ёки почтани белгиланган манзилга етказиб, уларни юкни ёки почтани қабул қилиб олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади, юк жўнатувчи эса юк ёки почта ташилгани учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**99-модда. Чартер шартномаси**

Чартер (ҳаво кемасини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи) га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлиқ бериб туриш мажбуриятини олади.

**100-модда. Ҳаво кемасида жой банд қилиб қўйиш**

Ташувчилар ташиш қоидаларида белгиланган тартибда ҳаво кемасида олдиндан жой банд қилиб қўядилар.

**101-модда. Ташишга доир ҳужжатлар**

Йўловчилар ва қўл юкини, почта ва юкни ташиш шартномаси чипта билан қўл ёки паттаси ва почта ёки юк хати билан тасдиқланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар шакли Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномаларнинг тегишли қоидалари ва тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Почта юк хати шаклини Авиация маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

**102-модда. Йўловчига кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлар**

Ташувчи йўловчиларга ташиш қоидаларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини ташкил этиши шарт. Шунга мувофиқ йўловчига белгиланган меёр доирасида багаж ва қўл юкини текинга ўзи билан олиб учиш, болаларини (ёшига қараб) текин ёки имтиёзли шартларда олиб учиш, аэропортларда махсус ажратилган бинолардан фойдаланиш, шунингдек юк ташувчининг айби билан ёхуд бошқа мажбурий сабаблар билан рўй берган парвозларнинг кечиктирилиши ёки улар орасидаги танаффусларда меҳмонхоналарда жой билан таъминланиш ҳуқуқи берилади.

**103-модда. Ташувчининг ташаббуси билан ҳаво транспортида ташиш шартномаси кучининг тўхтатилиши**

Ташувчи мантиқий заруриятдан келиб чиқиб:

а) хавфсизликни таъминлаш мақсадида;

б) парвоз бошланаётган, қўниш ёки учиб ўтиш мўлжалланган ҳар қандай мамлакатнинг мазкур ташишга тааллуқли қонун, қарор ва қоидалари бузилишининг олдини олиш мақсадида ҳар қандай йўловчи билан тузилган ҳаво транспортида ташиш шартномаси кучини тўхтатиши мумкин.

**104-модда. Йўловчининг ташаббуси билан ҳаво транспортида ташиш шартномаси кучининг тўхтатилиши**

Йўловчи истаган вақтда парвоз қилишдан воз кечиш ва бу воз кечиш ҳаво кемаси учишидан олдин ёки кейин амалга оширилаётганлигига қараб, авиакомпания тарифларини қўллаш қоидаларида белгиланган тартибда тўланган пулнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

**105-модда. Ташиш тарифлари, йиғимлари, ставкалари ва қатновни кирага сотиш қоидалари**

Ташиш ишларини ташкил қилиш, тарифларни белгилаш, йиғимлар ундириш ва қатновни кирага сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланади.

Ташувчи жадвалдаги ёки жадвалдан ташқари парвозлар бошланишидан олдин ташиш тарифлари, йиғимлари ва ставкалари миқдорини ишлаб чиқиб, уларни ўзига рухсатнома берган давлат томонидан тартибга солувчи органга тасдиқлаш учун тақдим этиши лозим.

Ташишларнинг тасдиқланган тарифлари, йиғимлар ва ставкалар миқдорлари, шунингдек қатновни кираларга сотиш қоидалари айни бир йўналишда ёки уларнинг участкаларида парвозни бажараётган ташувчиларнинг барчаси томонидан қўлланилиши лозим.

Чартер парвозлар учун шартномавий тарифлар белгиланиши мумкин.

**106-модда. Юкнинг қабул қилувчи томонидан олинмаслиги ва кечикиб олиниши**

Агар юк қабул қилувчи етиб келган юкни юк ташиш қоидаларида белгиланган муддатларда қабул қилиб олмаса ёки қабул қилишдан воз кечса, ташувчи юк жўнатувчини хабардор қилиб, унинг ҳисобига юкни ўзида сақлаб туришга ҳақлидир. Юк қабул қилувчи хабардор қилинганидан кейинги 30 кун ичида олиб кетилмаган юк эгасиз деб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда сотувга қўйилади.

**107-модда. Ташишнинг алоҳида шартлари**

Портловчи моддалар, қуроллар, ўқдорилар, заҳарли, ёнувчан, радиоактив ва бошқа хавфли моддалар ҳамда предметларни ташиш шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида чиқариладиган махсус қоидалар билан белгиланади.

**108-модда. Парвозларнинг ахборот-реклама таъминоти.**

Ташувчи парвоз йўналишлари ва жадвали, йўловчилар, юклар ва почта тарифлари, ерда ва ҳаво кемасининг сатҳида хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши, улардан аҳолини (мижозларни) хабардор этиши шарт.

**109-модда. Ҳаво транспортида ташиш ишларини таъминлаш хизматининг ташкил этилиши**

Ҳаво транспортида ташиш ишларини таъминловчи барча хизматлар технологик анжомлар, механизация ва автоматизация воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгилаган стандартлар ва тавсияларга мувофиқ таъминланган ҳужжатларни расмийлаштирувчи ходимларни, муомала теграларини қамраб олувчи ташкилий тузилишга эга бўлиши лозим.

**110-модда. Суғурта**

Ташувчи йўловчиларга, ташишга қабул қилинган қўл юки ва юкларга, шунингдек ўзга шахсларга етказиладиган зарарни қоплаш юзасидан ўз масъулиятини суғурта қилдириши лозим.

Зарарни қоплайдиган суғурта пули миқдори ташувчи жавобгарлигининг белгиланган миқдоридан паст бўлиши мумкин эмас.

Йўловчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда мажбурий суғурта қилинишлари лозим.

**111-модда. Хорижий ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ташувчилар республика қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатлар иштирокида тузилган халқаро шартномалар асосида, шунингдек Авиация маъмурияти томонидан бир галлик ва мунтазам парвозлар учун бериладиган махсус рухсатномаларга биноан фаолият кўрсатадилар.

Хорижий ташувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзларининг ваколатхоналарини очишлари мумкин.

Хорижий юк ташувчиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатлар иштирок этган ҳаво алоқаси тўғрисидаги халқаро шартномаларда ёки махсус рухсатномаларда кўзда тутилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлатга олиб кетиш ёки хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш учун кемага йўловчилар, қўл юки, юк ва почта олиш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа бир манзилга етказиш учун Авиация маъмуриятининг махсус рухсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кемага йўловчилар, қўл юки, юк ва почта олиш ман этилади.

**112-модда. Ташувчининг масъулиятини тартибга солишнинг умумий принциплари**

Ҳаво транспортида ташишда ташувчининг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг фуқароликка доир қонунлари ва ушбу Кодекс билан тартибга солинади.

**113-модда. Йўловчининг ўлими ёки соғлиғига етказилган зарар учун ташувчининг масъулияти**

Ташувчи парвоз чоғида йўловчининг ўлими ёки соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган зарар учун, агар бу зарарнинг олдини олиш учун ташувчи барча зарур чораларни кўрганлигини ёки бундай чораларни кўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса, мулкий жавобгар бўлади.

Агар йўловчининг ўлими ёки соғлиғининг ёмонлашуви қайтариб бўлмас куч натижасида содир бўлган бўлса, ташувчи, агар етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, белгиланганига мувофиқ жавобгар бўлади.

Етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини ташувчи исботлаб берган бошқа ҳолларда фуқароликка доир қонунларнинг умумий меъёрларига мувофиқ зарар учун тўланадиган товоннинг миқдори камайтирилиши мумкин ёки зарарни қоплашдан халос этилиши мумкин.

Ҳаво транспортида йўловчини ташиш йўловчининг ҳаво кемасига чиқиш учун аэропорт перронига кирган вақтидан бошлаб, ташувчининг ваколатли шахслари кузатуви остида перрондан чиқиб кетгунча бўлган вақтни ўз ичига олади.

**114-модда. Ташувчининг қўл юкининг бутлиги учун жавобгарлиги**

Қўл юки ташишга қабул қилинган пайтдан то у йўловчининг қўлига ёки белгиланган қоидаларга мувофиқ бошқа бир шахс ёхуд ташкилотга етказиб берилгунича ўтган даврда унга етказилган зарар, камомад ёки унинг йўқолгани учун ташувчи — агар у зарарнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрганлигини ёки бу чораларни кўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса — жавобгар бўлади.

Агар йўловчининг ёнидаги буюмлар йўқолса ёки уларга зарар етказилса ва бу йўқотиш ёки зарар ташувчининг айби билан юз берганлиги исботланса, ташувчи бу буюмлар учун моддий жавобгар бўлади.

**115-модда. Ташувчининг юкнинг бутлиги учун жавобгарлиги.**

Юк ташиш учун қабул қилинган пайтдан то у қабул қилувчига ёки белгиланган қоидаларга мувофиқ бошқа ташкилотга етказиб берилгунича ўтган даврда унга етказилган зарар, камомад ёки унинг йўқолганлиги учун ташувчи — агар у зарарнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрганлигини ёки бу чораларни кўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса — жавобгар бўлади.

Ташувчи бошқа далил ёки исбот келтирмагунича етказилган зарар, камомад ёки юкнинг йўқотилиши ташиш даврида рўй берган деб тахмин қилинади.

**116-модда. Юк, қўл юки, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолиши, камомади ёки уларга етказилган зарар учун ташувчи масъулияти миқдори**

Юк, қўл юки ёки йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолгани, камомади ва уларга етказилган зарар учун ташувчи:

а) ташиш учун олинган қиймати эълон қилинган юк ёки қўл юкининг йўқолгани ёхуд камомади учун — эълон қилинган қиймати миқдорида, агар ташувчи эълон қилинган қиймат ҳақиқий қийматдан баландлигини исбот қилса — ҳақиқий қиймат миқдорида;

б) ташиш учун олинган қиймати эълон қилинмаган юк ёки қўл юки, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолгани, камомади ёки етказилган зарар учун — уларнинг ҳақиқий қиймати миқдорида, аммо Авиация маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда белгилаган миқдордан ошмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иштирок этган ҳаво транспортида ташиш вақтидаги жавобгарлик тўғрисидаги халқаро шартномаларда белгиланган миқдорларда жавобгар бўлади.

Агар етказилган зарар ташувчи ёки унинг ваколатли шахслари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қасддан қилинган ёки қўпол эҳтиётсизликлари натижаси эканлиги исботланса жавобгарлик меъёрлари қўлланилмайди.

Ташувчи қайд этилмаган қўл юки ва йўловчи ёнидаги бошқа буюм ташиш жараёнида йўқотилгани, уларга зарар етказилгани, камомади учун жавобгар бўлмайди.

Ҳаво кемасида ҳайвонларни кузатиб бораётган шахснинг ўлими ёки унинг соғлиғига етказилган зарар учун, агар бу ҳалокат ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати туфайли рўй берган бўлса, ташувчи жавобгар бўлмайди.

Ҳайвонларнинг ўлими ёки жароҳатланиши учун, агар бу кўнгилсизлик табиий сабабларга кўра ёки уларни кузатиб бораётган шахснинг

(Давоми 5-бетда).

